

**КУЧЛИ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ  
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7826715>

**А.Ж. Курбонов**

*ТИҚХММИ "Миллий тадқиқот университети асистент*

**Абдурахмонова Азода Джураевна**

*Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети доценти PhD  
тфн.*

**D.Inomova**

*Toshkent to'qimachilik va yeng'il sanoat instituti M 25-22 guruhi magistr*

**Аннотация:** Мамлакатимиз ҳудудида жойлашган кимёвий хавфли обьектлар, уларда ишилтиладиган кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг турлари ҳамда уларнинг инсон организми ва атроф табиий муҳитга кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирлари, шунингдек улар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни олдини олишидаги мавжуд муаммолар қўтарилиган. Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни олдини олиши ва кимёвий хавфли обьектларнинг барқарорлигини таъминлашга доир тавсиялар кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** кучли таъсир этувчи заҳарли модда, кимёвий хавфли обьект, оммавий заҳарланиши, санитар ҳимоя зонаси, концентрация, шахсий ҳимоя воситалари, огоҳлантириши, муҳандислик техник тадбирлар, нейтралловчи моддалар, муҳофаза.

**СВЯЗАННЫЕ С СИЛЬНОДЕЙСТВУЮЩИМИ ТОКСИЧНЫМИ  
ВЕЩЕСТВАМИ ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЙ**

**А.Ж. Курбонов.**

*МСП "Национальный исследовательский университет асистента*

**Абдурахмонова Азода Джураевна.**

Ислам Каримов назвал штат Ташкент методика университет доктора философии тфн.

**Д.Х.Иномова.**

*Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности группа М 25-22  
магистр*

**Аннотация:** Химически опасные объекты, расположенные на территории нашей страны, виды токсичных веществ, оказывающих сильное влияние на их использование, а также их возможное негативное воздействие на организм человека и окружающую природную среду, а также существующие проблемы в области предупреждения чрезвычайных ситуаций, связанных с ними, были обострены. Даны рекомендации по предупреждению чрезвычайных ситуаций, связанных с токсичными

веществами при сильном воздействии и обеспечению устойчивости химически опасных объектов.

**Ключевые слова:** сильнодействующее токсическое вещество, химически опасный объект, массовое отравление, санитарно-защитная зона, концентрация, средства индивидуальной защиты, предупреждение, инженерно-технические мероприятия, нейтрализаторы, защита.

## RELATED TO HIGHLY TOXIC SUBSTANCES EMERGENCY PREVENTION

A.J. Kurbonov.

SME"National Research University of Assistant

Abdurakhmanova Азода Juraevna.

*Islam Karimov named the state of Tashkent the methodology of the University of the Doctor of Philosophy of the tfin.*

Inomova Diyora Xayrullo qizi.

*"Tashkent Institute of Textiles and Light Industry", Faculty of "Light Industry and Design", master's degree in "Design (costume)"*

**Annotation:** Chemical dangerous objects located on the territory of our country, the types of toxic substances that have a strong impact on their use, as well as their possible negative effects on the human body and the surrounding natural environment, as well as existing problems in the Prevention of emergency situations related to them have been exacerbated. Recommendations on the Prevention of emergencies associated with toxic substances with a strong impact and ensuring the stability of chemically hazardous objects have been made.

**Keywords:** strong-acting toxic substance, chemical hazardous object, mass poisoning, sanitary protection zone, concentration, personal protective equipment, warning, engineering technical measures, neutralizing agents, protection.

Кириш. Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан боғлиқ обьектлардаги авариялар ўзининг келтирадиган талофатлари юқорилиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунки, бундай обьектларда авария содир бўлган тақдирда, фақат обьект ишчи-ходимларининг саломатлигига хавф туғдирмасдан, балки унинг атрофида жойлашган ҳудуд аҳолисига ҳам катта зиён етказади. Шу сабабли ҳам бундай турдаги аварияларни олдини олишнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқишига зарурат туғилмоқда. Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар босим остида суюлтирилган ҳолда сақланаётган идиш герметиклиги бузилган тақдирда, атроф мухитга газ, буғ, айрозол ҳолатида тарқалиши кузатилади. Кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг заҳарловчи ҳолатига ўтиши уларнинг агрегат ҳолати, сувда эрувчанилиги, органик моддаларда эриш қобилияти, зичлиги, учувчанилиги, қайнаш температураси ва шу каби физик-кимёвий хоссаларига боғлиқ. Агар кучли таъсир этувчи заҳарли модда атроф мухитга тарқалиб, заҳарланиш ҳолати юзага келса, у тери, ошқозон-ичак

йўллари ҳамда нафас олиш органлари орқали қонга сўрилади. Қон орқали барча организм ва тўқималарга ташилади ҳамда организмнинг умумий заҳарланишига, баъзан эса инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келади [3].

Шу сабабли ҳам бундай обьектларда фавқулодда вазиятларни олдини олишга жиддий эътибор қаратиш, яъни фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамлар соғлигини сақлаш, атроф табиий муҳитга етказиладиган заар ва моддий талофатлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплексини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга [1].

Асосий қисм. Кимёвий хавфли моддалар ҳозирги даврга келиб ҳалқаро терминологияда кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЭЗМ) деб аталмоқда. Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар - юқори заҳарлилик хусусиятига эга бўлган ва маълум шароитларда (асосан кимёвий хавфли обьектлардаги аварияларда) одамлар ва жониворларнинг оммавий заҳарланишини келтириб чиқара оладиган, шунингдек атроф муҳитни заарлай оладиган кимёвий бирикмалардир [5].

1988 йилда тасдиқланган “Кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг вақтинчалик рўйхати”га кўра атроф муҳитга реал хавф солувчи 34 хил модда санаб ўтилган. Булар хлор, водород сульфид, олтингугурт, фтор ҳамда уларнинг кислородли ва водородли бирикмалари. Ушбу рўйхатга фақат юқори учувчанлик ва заҳарлилик хусусиятига эга бўлган ҳамда авария ҳолатларида инсонларнинг оммавий заҳарланишига олиб келувчи кимёвий моддалар киритилган.

Республикамиз ҳудудида кўплаб кимёвий хавфли обьектлар (КХО) мавжуд бўлиб, улар юртимиз иқтисодиётiga катта фойда келтириши билан биргалиқда, аҳоли учун бир қанча хавф ҳам туғдиради. Чунки, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг асосий қисми айнан шу обьектларда кузатилади.

Кимёвий хавфли обьект - авария вақтида ёки вайрон бўлганда одамлар, хайвонлар ва ўсимликларнинг оммавий заҳарланиши юз бериши мумкин бўлган обьект ҳисобланиб, қуидагиларни ўз ичига олади [5]:

1) авариявий кимёвий хавфли моддалар ишлаб чиқарадиган ёки улардан ишлаб чиқаришда фойдаланадиган кимёвий, нефтни қайта ишлаш корхоналари ва саноатнинг бошқа тармоқлари;

2) озиқ-овқат, гўшт-сут саноати корхоналари, иқтисодиётнинг аммиак ишлатадиган совитиш қурилмаларига эга бошқа тармоқлари;

3) сувни зарарсизлантириш учун хлор ишлатадиган сув чиқариш ва тозалаш иншоотлари;

4) дон ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари сақланадиган жойларни дезинфекция ва дератизация қилиш учун ишлатиладиган заҳарли моддалар заҳираларига эга омборлар.

Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан инсон организми заҳарланганда, уларнинг физик-кимёвий хоссаларига қарб заҳарланиш белгилари турлича бўлади.

Кўйида республикамиздаги КХОда энг қўп ишлатиладиган бир неча кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва уларнинг инсон организмига салбий таъсириларини кўриб чиқамиз.

Аммиак NH<sub>3</sub> – рангсиз бўғувчи хусусиятга эга бўлган, ўткир хидли заҳарли газдир. Уни саноатда совутгич воситаси сифатида, азотли ўғитлар олишда ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Агар аммиак ҳаво билан 4:3 нисбатда аралашса портлайди. Сувда яхши эрийди. Унинг юқори концентрацияси инсоннинг марказий асаб тизимини издан чиқариб, фалаж бўлишига олиб келади. Агар аммиак таъсирида инсон заҳарланса, бир неча соатдан сўнг ўлимга олиб келади. Терига тегса турли даражадаги жароҳатланиш рўй беради.

Унинг ишлаб чиқариш корхоналарида ҳаводаги йўл қўйиладиган концентрацияси 20мг/м<sup>3</sup>. 40мг/м<sup>3</sup> концентрациясида инсонлар ҳидидан сезишлари мумкин. 500мг/м<sup>3</sup> ни ташкил қилса, инсонларда нафас олган заҳоти ўлим ҳолати кузатилади [3].

Хлор - Cl<sub>2</sub> яшил- сариқ тусли ўткир бўғувчи хидли заҳарли газ ҳисобланади. Хлор қофоз-селлюзоза, тўқимачилик саноатида, хлорли оҳак ишлаб чиқаришда, сувни зарарсизлантиришда ва бошқа соҳаларда ишлатилади. Инсон организми ҳлор билан заҳарланганда- кўкракда оғриқ пайдо бўлиши, қўз ёшланиши, қуруқ йўтал, кўнгил айнаш, қайт қилиш, мувозанатни йўқотиш, нафас етишмаслик ҳолатлари кузатилади. Ҳлорнинг буғлари билан таъсириланганда қўзнинг, нафас олиш аъзоларининг шиллиқ қаватлари ва терининг куйиши кузатилади. Юқори концентрацияда 1-2 марта нафас олиш ўлим билан якунланади.

Ҳлорнинг ишлаб чиқариш корхоналарида ҳаводаги йўл қўйиладиган концентрацияси 1 мг/м<sup>3</sup>. Ҳлорнинг минимал сезиладиган миқдори 2 мг/м<sup>3</sup>, 10 мг/м<sup>3</sup> концентрацияси эса инсон организмига салбий таъсир кўрсатади. Агар унинг ҳаводаги миқдори 100-200 мг/м<sup>3</sup> га teng бўлса 30-60 дақиқа шу жойда бўлган инсон учун хавфли ҳисобланади, концентрацияси ундан ортиб кетса, кескин ўлим содир бўлади [3].

Юқорида кўрганимиздек, ҳар бир кимёвий заҳарли модданинг чегаравий йўл қўйиладиган концентрацияси мавжуд. Қўйидаги омиллар сабабли кимёвий хавфли объектларда авария содир бўлиши натижада корхона ишчи-ҳодимлари ва ён атрофдаги аҳолининг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин [4]:

- табиий оғатлар оқибатида (зилзила, сув тошқини ва бошқалар);
- иншоотларни лойиҳалаш ёки уни қуришда йўл қўйиладиган хатоликлар туфайли;
- иш чиқариш воситаларининг эскириши, авария ҳолатига келиши;
- кучли таъсир этувчи заҳарли моддалардан фойдаланиш, сақлаш ва ташишнинг ортиши;
- агрессив моддаларни (портловчи, тез алангланувчи заҳарли моддаларни) нотўғри сақланиши ва уни ишлатиш қоидаларининг бузилиши;

- ишчилар касбий маҳоратининг, шунингдек малакали кадрларнинг камайиб кетиши;
- кимёвий хавфли объектлар ҳолатининг етарли даражада назорат қилинмаслиги;
- техника хавфсизлиги қоидаларига амал қиласли.

Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар асосан кимёвий хавфли объектларда содир бўлиб, уларни олдини олиш ва авария оқибатида кўрилган моддий заарар миқдорини камайтириш учун қуидаги асосий чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиши лозим [7]:

- хавфсиз технологиялардан фойдаланиш, объектнинг хавфсиз фаолиятини таъминловчи ташкилий, техник, маҳсус ва бошқа чораларни олдиндан кўриш, аварияларда КТЭЗМни объект санитар ҳимоя зонасидан ташқарига чиқишини чегаралаш;
- атроф-мухитнинг кимёвий заҳарланишини назорат қилиш тизими ва асбоб-анжомларнинг мавжудлиги;
- кимёвий хавфли объект жойлашган ҳудуд ва заҳарланиши мумкин бўлган ҳудудда кимёвий вазиятни назорат қилиб бориш;
- кимёвий хавфли объектда авария содир бўлганлиги тўғрисида тезкор хабар бериш тизимини, биринчи навбатда объект яқин атрофида жойлашган аҳоли пунктларида маҳаллий хабар бериш тизимини яратиш;
- аҳоли, ишчи ва хизматчилар, иқтисодиёт объектлари ва ижтимоий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни режалаштириш;
- хавфли ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолини шаҳсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятлар вақтида улардан тўғри фойдаланишга ўргатиш;
- КТЭЗМни нейтралловчи моддалар заҳирасини яратиш;
- озиқ-овқат саноатидаги технологик қурилмалар, музлаткичлар ва омборларни герметиклаш, озиқ-овқат ва сув таъминоти манбааларини муҳофаза қилиш;
- КТЭЗМдан ҳимояланиш воситалари ва усуслари бўйича ишчи-хизматчилар ва аҳолининг билим ва кўнималарини орттириб бориш;
- кимёвий хавфли объектларда аварияларнинг олдини олишда тезкор муҳофаза технологиялари, автоматик механизация технологияларини яратиш, аварияларни автоматик тўхтатиш тизимини жорий этиш ва ходимларни фавқулодда вазиятларда ҳаракатланишга ўргатиш.

Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар оқибатларини камайтиришнинг энг самарали усули КТЭЗМни технология учун энг кам керак бўладиган миқдорга туширишdir. Айниқса хомашё ва тайёр маҳсулотларни юклаш-туширишда бунга катта эътибор бериш лозим. Кутимаганда электр, газ ва сув таъминоти узилиб қолганда ишлаб чиқариш жараёнини авариясиз тўхтатиш учун кимёвий хавфли объектларнинг электр, газ ва сув таъминоти ишончли бўлиши талаб этилади [2].

Кимёвий хавфли объектларда турли фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва объект барқарорлигини таъминлашда муҳандислик техник тадбирларининг ўрни катта ҳисобланади. Буларга [6]:

- коммунал тизимларга жўмрак, сурма қопқоқ, кран каби ўчириш асбобларини ўрнатиш ва доимий иш ҳолатида сақлаш;
- заҳарли газлар ишлатиладиган цехларга газанализатор, сигнализатор каби ҳаво таркибини назорат қилувчи асбоблар ўрнатиш;
- заҳарли газлар ишлатиладиган цехларнинг дераза ва эшик оралиғига ҳамда объект территориясининг зарур жойларига сув тўсиқлари ўрнатиш;
- КТЭЗМ омборларини ер остига қуриш;
- газ балонлар сақланадиган омборларда вентиляция ускуналарини иш ҳолатида сақлаш;
- панажойларни доимо шай ҳолатда сақлаш;
- корхонада ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш;
- кимёвий назорат постларини жиҳозлаш ва шай ҳолатда сақлаш.

Кимёвий хавфли объектларда хавфсизлик талабларининг бажарилиши фақат корхона ишчи ҳодимларининг саломатлигини сақлашда эмас, балки атрофдаги аҳоли хавфсизлигини, атроф муҳитни асрашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам, барча кимёвий хавфли объектларда санитар ҳимоя зonasи белгиланади. Бу зонага корхонага тегишли бўлмаган яшаш уйлари, даволаш муассасалари ва бошқа бинолар қуриш тақиқланади. “Ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаштиришнинг санитар нормалари”га кўра кимёвий хавфли объектлар учун санитар ҳимоя зonasи 300 метрдан, 8000 м<sup>3</sup> дан ортиқ КТЭЗМ заҳирасига эга бўлган объектлар учун эса 1000 метрдан кам бўлмаслиги керак. Кимёвий хавфли объектлар яқинида жойлашган аҳоли пунктларидағи аҳоли зич тўпланадиган жойлар (стадион, парк, бозор ва шу кабилар) учун бу масофа икки марта оширилади.

Хулоса. Ҳозирги кунга келиб ишлаб чиқариш жараёнида, қишлоқ хўжалиги ва ҳаётимиз мобайнида юзлаб ҳар хил кимёвий бирикмалар ишлатилмоқда. Кимёвий хавфли объектлар (КХО) уларни ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишда муҳим ўринни эгаллайди. Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг асосий қисми кимёвий хавфли объектларда юз беринин инобатга олсак, уларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш борасида илмий изланишлар олиб бориш, олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этишга зарурат туғилмоқда. Чунки, бундай турдаги авариялар содир бўлганда факатгина объект ишчи-ҳодимларининг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғдирмасдан, балки ён атрофдаги ҳадуд ахолисига ҳам зиён етказади.

Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни олдини олиш, юзага келган тақдирда оқибатларини бартараф этиш бўйича қуйидагиларни таклиф этаман [6]:

биринчидан, имкон даражасида КТЭЗМ миқдорини камайтириш;

иккинчидан, КТЭЗМ сақланадиган идишларни муҳофазалаш. Чунки, КТЭЗМ босим остида суюлтирилган ҳолда сақланаётган идиш герметиклиги бузилган тақдирда, атроф мұхитга газ, бұғ, айрозол ҳолатида тарқалиши күзатиласы;

учинчидан, ишлаб чиқаришда КТЭЗМ ва ёқилғи маҳсулотларидан фойдаланишни чеклаш ёки уларнинг ўрнига бошқаларидан фойдаланиш. Бунинг имкони бўлмаса, уларни заرارсизлантириш чораларини кўриш;

тўртингчидан, КТЭЗМ тўкилишининг олдини олиш имконини берадиган қурилмалардан фойдаланиш:

- ер ости омборларини қуриш;

- ўз-ўзидан бекиладиган ва тескари тартибда ишловчи клапанлар ўрнатиш, поддонлар ўрнатиш, заҳарли модда йифиладиган ҳовузлар қуриш;

- технологик тармоқларни ер остидан ўтказиш;

- трубаларда уланиш жойлари ва чокларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;

- тез алангаланувчи моддалар сақланадиган идишлар қопқоқларининг мустаҳкамлигини таъминлаш;

бешинчидан, нейтралловчи моддалар захирасини яратиш (ишқорлар, сода ва бошқалар);

олтинчидан, автоматик сигнализация тизимини ўрнатиш;

еттингчидан, заҳарли ва тез ёнувчан моддаларни шамол йўналишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;

саккизинчидан, ёнғин чиқишининг олдини олиш:

- сув пардаларини ўрнатиш;

- ёнғинга қарши йўлаклар бўлишини таъминлаш.

тўққизинчидан, электр тизими тармоқларини ер тагидан ўтказиш, автоматик ўчириш воситалари ўрнатиш;

ўнинчидан, портлаш хавфи мавжуд бўлган моддалар сақланадиган омборхоналарни портлаш кучини сўндирадиган қурилмалар билан таъминлаш:

- отилиб кетадиган панеллар;

- очилиб кетадиган деразалар;

- ҳар хил турдаги клапанлар.